

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 141 (11.202)

Баҳоси эркин нархда

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 22 ИЮЛЬ КУНИ ОҚСАРОЙДА АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ РИЧАРД НОРЛАНДНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

Мамлакатимиз раҳбари ушбу учрашув томонларни қизиқтирган масалалар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият эканини, 2007 йилнинг ноябрь ойида юртимизда иш бошланган АҚШ элчиси ўтган давр мобайнида Ўзбекистондаги ҳаёт билан яқиндан танишганини таъкидлади.

Каримов. — Бу ўзаро ишончли ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим омилдир. Р.Норланд самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик изҳор этиб, Ўзбекистон-АҚШ муносабатлари ривожланиб бораётганини таъкидлади. Икки томонлама ҳамкорлик бундан кейин ҳам ўзаро манфаатдорлик асосида босқичма-босқич тараққий этишига ишонч билдирди. Унинг фикрича, айни пайтда мамлакатларимиз ўртасида ўзаро ишончли мустақамлаш, минтақавий хав-

фсизлик, шу жумладан, Афғонистонни тиклаш билан боғлиқ масалаларда ҳамкорликни ривожлантириш муҳим. Шу билан бирга, Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, гуманитар соҳадаги қўшма лойиҳаларни ижро этиш, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги алоқаларни давом эттириш керак. Учрашувда икки томонлама ўзаро манфаатли муносабатларни янада мустақамлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

КУВАЙТ ДАВЛАТИ АМИРИ ҲАСТИМОМНИ ЗИЁРАТ ҚИЛДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТАКЛИФИГА БИНОАН РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗДА МЕҲМОН БЎЛИБ ТУРГАН КУВАЙТ ДАВЛАТИ АМИРИ ШАЙХ САБОҲ АЛ-АҲМАД АЛ-ЖОБИР АС-САБОҲ 22 ИЮЛЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ Р.АЗИМОВ ҲАМРОҲЛИГИДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ҲАЗРАТИ ИМОМ (ҲАСТИМОМ) МАЖМУИНИ ЗИЁРАТ ҚИЛДИ.

Ҳазрати Имом мажмуасининг тарихимиз, маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Юртбошимиз ташаббуси билан ушбу кутлуг қадамда кенг кўламли таъмирлаш, қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бажарилди.

Олий мартабали меҳмон зиёратни Ҳазрати Имом жомеъ масжиди билан танишувдан бошлади. Ушбу масжид Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов раҳнамоллигида яратилган лойиҳа асосида 2007 йили бунёд этилган.

Олий мартабали меҳмон ушбу ноёб тарихий меъморий обидалар ўзига катта таассурот қолдирганини эътироф этаркан, Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов раҳнамоллигида буюк аждодлар меросини тиклаш ва янада бойитишга алоҳида эътибор қаратаётганини, улуғ аллома ва азиз авлиёларнинг муқаддас қадимларини таъмирлаш ва ободонлаштириш, бой илмий-маданий меросини чуқур ўрганиш, айнаса, ёшлар онг-шуурига сингдириш борасида улкан ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА КУВАЙТ ДАВЛАТИНИНГ ҚЎШМА БАЁНОТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларнинг тақдирини қўллагани билан, маданий ва диний яқинликдан келиб чиқиб, ислом маданияти ва илмий меросини сақлаш ва ўрганиш алоҳида аҳамиятга моликлигини қайд этди.

Ўзбекистон томони Кувейт Давлатининг Тошкент Ислам университетининг янги биноси қурилиши учун беш миллион АҚШ доллари миқдоридagi ва Ўзбекистондаги 50 та мактабни компьютер билан жиҳозлаш учун берадиган бегараз ёрдамини мамнуният билан қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Кувейт Араб Иқтисодий тараққиёт жамғармаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида алоҳида меморандуми;

Ташриф доирасида икки давлат ўртасида бўлиб ўтган расмий учрашув чоғида Ўзбекистон томонидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийлари ва Кувейт томонидаги Кувейт Давлати Амири Шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ Ҳазрати Олийлари раҳбарлик қилди.

Томонлар ўзбекистон ва кувейт халқлари ўртасидаги тарихий, маданий ва диний яқинликдан келиб чиқиб, ислом маданияти ва илмий меросини сақлаш ва ўрганиш алоҳида аҳамиятга моликлигини қайд этди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Кувейт Араб Иқтисодий тараққиёт жамғармаси ўртасида Республика иқтисодий тараққиётнинг янги босқичини ҳақиқатан ҳам рағбатлантиришга қўшган ҳиссасини инобатга олиб, томонлар бағри-кенг ва маърифатпарвар исломни тарғиб қилишда ҳамкорликни давом эттириш зарур, деб ҳисоблайдилар ва исломфобиянинг ҳар қандай қўрилишига ҳамда терроризм ва экстремизмни ислом билан боғлаб кўрсатишга уринишни қоралайдилар.

Ташриф доирасида томонлар ўртасида қуйидаги ҳужжатлар имзоланди:

Икки давлат ўртасида қўшма кўмита тўғрисида битим;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Кувейт Араб Иқтисодий тараққиёт жамғармаси ўртасида Республика иқтисодий тараққиётнинг янги босқичини ҳақиқатан ҳам рағбатлантиришга қўшган ҳиссасини инобатга олиб, томонлар бағри-кенг ва маърифатпарвар исломни тарғиб қилишда ҳамкорликни давом эттириш зарур, деб ҳисоблайдилар ва исломфобиянинг ҳар қандай қўрилишига ҳамда терроризм ва экстремизмни ислом билан боғлаб кўрсатишга уринишни қоралайдилар.

МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФ БУЮРГАН ТАИЛАНД КИРОЛЛИГИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ДОИМИЙ КОТИБИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ЧАРИВА САНТАПУТРА РАҲБАРЛИГИДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯ АЪЗОЛАРИ 22 ИЮЛЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ РАИСИ АЛИШЕР ШАЙХОВ БИЛАН УЧРАШДИ.

ТАИЛАНД ДЕЛЕГАЦИЯСИ — ЎЗБЕКИСТОНДА

Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатлар кўлаб жаҳонларда, жумладан, иқтисодий, маданият, фан-таълим, спорт ва сайёҳлик каби кўлаб соҳаларда ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Музокарада мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларнинг бугунги аҳоли ва иқтисодига доир масалалар юзасидан атрафли фикр алмашилди.

Таиланд делегацияси аъзолари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, "Ўзбектуризм" миллий компанияси, Кураш халқаро ассоциациясида ҳам музокара ўтказдилар. Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуи, Темурийлар тарихи давлат музейи, Ўзбекистон давлат санъат музейида бўлдилар.

(ЎЗА)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий маддани кучайтириш мақсадида:

- 2008 йилнинг 1 сентябридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, стипендиялар, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар миқдори ўрта ҳисобда 1,2 баравар оширилсин.
- 2008 йилнинг 1 сентябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам: иш ҳақи - ойига 25040 сўм; ёшга доир пенсиялар - ойига 49600 сўм; ёшга доир сўмга бўйича бошланғич (нулнчи) разряд - ойига 25040 сўм; болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа - ойига 49600 сўм; зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 30040 сўм миқдорида белгилансин.
- Белгиланган қўйилсинки, иш ҳақига қўшилидиган устам ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2008 йилнинг 1 сентябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилад.

- Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлари, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияландиладиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қондаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.
- Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларини ошириши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 5 мартдаги ПФ-3972-сонли Фармони (7-банди истисно қилинган ҳолда) 2008 йилнинг 1 сентябридан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.
- Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2008 йил 21 июль

ХОРИЖИЙ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН МАВЗУСИ

ХОРИЖИЙ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ МАМЛАКАТИМИЗ ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТИНИ ЁРИТИШДА ДАВОМ ЭТМОҚДА.

Кореяда инглиз тилида чоп этиладиган нуфузли «The Korea Post» журнали «Ўзбекистон матбуоти эркинлаштириш йўлида дадил одимламоқда» сарлавҳали мақолани эълон қилди. Унинг муаллифи — журнал президент-ношири Ли Кён-сик бўлиб, у жорий йил 9-10 июнь кунлари Тошкентда ўтказилган «Замонавий демократик жамиятда оммавий ахборот воситалари эркинлиги» мавзусидаги халқаро семинарда иштирок этган эди.

МАМЛАКАТИМИЗДА

Мамлакатимизнинг 15 нафар профессионал суратчилари июль ойининг охирида Санкт-Петербургда бўлиб ўтадиган «Ўзбекистон тасвири-суратларда» мавзусидаги кўргазмада иштирок этадилар. Кўргазма экспозицияларидан Ўзбекистоннинг тарихи ва бугунги кун, урф-одат ва удумлари ҳақида ҳикоя қилувчи жами 200 дан ортиқ суратлар ўрин олади.

Ўрта Чирчиқ туманида Тошкент вилояти ҳокимлиги ва қатор корхона-ташкilotлар томонидан бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.

Шаҳрисабз туманидаги Полмон қишлоғида компьютерлашган синф хоналари ва фан кабинетлари, ёпиқ ва очик спорт зали, стадион ўрин оладиган, бир сўз билан айтганда, барча қулайликларга эга бўлган замонавий мактаб-интернат қурилиши жадал суръатларда давом этмоқда. Қисқа вақт ичида бу ерда 600 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Мазкур мактаб-интернат Мустақиллигининг 17 йиллиги байрами арафасида фойдаланишга топширилди.

Қизилтепа туманидаги «Қизилтепа ипак» акциядорлик жамиятига Бирлашган Араб Амирликлари томонидан инвестиция киритилиб, у «Малабар силк» қўшма корхонасига айлантирилган эди. Таъкидлаш керакки, ипакни қайта ишлайдиган ушбу корхонада жорий йилда 150,5 миллион сўмлик ипак қалава ишлаб чиқарилиб, шундан хорижга 95,2 минг долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

Қашқадарё вилоятида ёз мавсумида турли юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш юзасидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Қарши-Керки давлат чегара пости, шунингдек, Муборак, Чакчак, Умақай, Мингчинор постларидан оқиб кирилайтган барча озиқ-овқат маҳсулотлари текширувдан ўтказилмоқда. Чегара яқинидаги аҳоли пунктларида ҳам ветеринария-санитария назорати кучайтирилди.

«Бухороўқурилиш» МЧЖ бунёдкорлари мамлакатимиз Мустақиллигининг 17 йиллигига муносиб тўёна ҳозирламоқдалар. Улар Жондор туманидаги Навработ қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда қишлоқ ҳўжалик касб-хўнар коллежи биносини жадал суръатларда барпо этмоқдалар. Уч гектар майдонни эгаллаган мазкур иншоот қурилишига давлат бюджети ҳисобидан бир миллиард 950 минг сўм маблағ ажратилган бўлиб, ушбу маблағ тўлалгича ўзлаштирилди. Ҳозирда пардозлаш ишлари олиб борилмоқда.

ЖАҲОНДА

Бугун Швейцария пойтахти Женева шаҳрида Бутунжаҳон почта уюшмасининг конгресси ўз иштини бошлади.

Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларнинг ташқи ишлар вазирлари Украинани тўлақонли ҳамкор сифатида таъ олишни истамаяптилар.

Жаҳон савдо биржаларида ўтказилган сўнгги савдоларда бир баррел нефтнинг нархи 130 долларлик кўрсаткичдан ҳам пастрта тушиб кетди.

Жорий йилнинг 2 майида юз берган «Наргис» тўфони Мьянма давлати иқтисодийга жиддий зарар етказганди. БМТ ва АСЕАН ташкилотлари томонидан тайёрланган маърузада келтирилишича, тўфон келтирган талафотларни бартараф этиш учун камида уч йил муддат ва бир миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ керак бўлади. Ҳисоб-китобларга кўра, табиий офат мамлакат иқтисодийга тўрт миллиард доллар миқдорида зарар етказган.

Сербия ҳукумати кунчи кеча ҳибсага олинган Радован Караджични халқаро трибуналга топширишга қарор қилди. Бу ҳақда кеча Белградда ўтказилган матбуот анжуманида махсус прокурор Владимир Вукчевич маълум қилди. Караджични Гаага трибуналига топшириш зарур расмийликларга риоя қилинганидан сўнг амалга оширилади. Прокурорнинг айтишича, Караджич сўроқ қилинганидан кейин, ўзига нисбатан қўйилган айблов матни билан танишиб чиққан.

21 июль кун Юньнань музофоти пойтахти Куньмин шаҳрида иккита автобусда рўй берган портлашларни Хитой маъмурлари террорчилик ҳаракати сифатида баҳолашди. Зеро, ушбу портлашларга транспорт воситаларига ўрнатилган бомбалар сабаб бўлган.

Кеча Афғонистоннинг Гельменд музофотида Буюк британиялик ҳарбийлар томонидан амалга оширилган операция чоғида «Толибон» гуруҳининг дала кўмондорларидан бири А.Расак йўқ қилинди.

АҚШдаги йирик банклардан бири — «Bank of America» молиявий инқироз ёқасига келиб қолди. Хусусан, жорий йилнинг иккинчи чорагида банк даромадларида 41 фоиз йўқотиш кузатилган. Бу 3,41 миллиард АҚШ доллари бой берилди, деганидир. Мутахассислар банкнинг мазкур йўқотишларининг турар жой бозоридаги савдоларда ишлари юришмаётганига боғлашмоқда.

Бугун Россиянинг «Мир» русумли иккита сув ости батискафи Байкал кўли тубини текшириш ишларини бошлади.

Кучли ўрмон ёнғинлари муносабати билан Грециянинг Родос оролида фавқулодда ҳолат эълон қилинди.

(Давоми 2-бетда).

17 МУСТАҚИЛЛИК йил

Истиқлол — бизнинг борлигимиз, шону шухратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир

ЎЗБЕК АВТОМОБИЛИ ДУНЁ БОЗОРИДА

МУСТАҚИЛЛИК йилларида мамлакатимизда барча жабҳаларда улкан ўзгаришлар рўй берди, ЎЗБЕКИСТОН ДУНЁ ҲАМЖАМИЯТИДА ЎЗ МУНОСИБ ЎРНИНИ ТОПИДИ, БАРЧА СОҲАЛАРДА КАТТА ЮТУҚЛАРГА ЭРИШМОҚДА. ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН УЛКАН ИМКОНИЯТЛАРДАН БИРИ, ШУБҲАСИЗ, МАМЛАКАТИМИЗДА АВТОМОБИЛСОЗЛИК САНОАТИГА АСОС СОЛИНГАНИДИР. 1996 йил 19 июль кунини ЎЗБЕКИСТОН ДУНЁДАГИ АВТОМОБИЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРАДИГАН ЙИГИРМА САККИЗ ДАВЛАТ ҚАТОРИДАН ЖОЙ ОЛДИ.

Ҳа, истиқлол туфайли нафақат асрий орузларимиз рўёбга чиқди, балки оруз қилишимиз кўйин бўлган мақсадларга ҳам эришдик. Дарҳақиқат, эски тузум даврида Ўзбекистонда автомобил заводи қурилди, деган гап ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмас эди. Энди эса замонавий энгил автомобиллар ўзимизда ишлаб чиқарилаётгани оддий ҳолга айланди. Президентимиз Ислам Каримовнинг улкан даҳриси, заҳматкаш халқимизнинг ғайрат-шижоати ва жасорати тимсоли бўлган Асакадаги автомобиль заводи Ўзбекистон истиқлол-

устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, 2007 йил давомида иқтисодиётимизга киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 23 фоизга ортиди ва 4,3 миллиард доллардан зиёд миқдордаги маблағни ташкил этди. Бу эса ўтган йиллар мобайнида эришилган энг юқори кўрсаткичдир. Мамлакатимиз иқтисодиётига киритилаётган сармояларнинг салмоқли қисми автомобил-созлик саноти улушига тўғри келиши юртимизда ушбу соҳа янада жадал ривожланишига имкон яратмоқ-

технологик ускуналар билан жиҳозланган. Унинг махсуслотлари юқори сифати, қулайлиги, юксак техник хусусиятлари ва замонавий талабларга тўла мослиги боис жуда харидордир. Корхонда ишлаб чиқариш мунтазам тақомиллаштирилиб, модернизация қилиб боришмоқда.

Ўзбекистон автомобиллари Россия, Украина, Молдова, Беларусь, Озарбойжон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон каби кўплаб мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Автомобилларимиз ўзининг сифати, таққи ва ички беағзи, нисбатан арзон



моделлари муттасил янгиланиб бораётгани ҳам қувонарлиқдир. "Ласетти" ишлаб чиқаришнинг ўзлаштирилиши, "Дамас", "Матиз", "Нексия"ларнинг модернизация қилиниши ички ва ташқи бозорда катта эътибор қозонди. Жумладан, жорий йилнинг март ойидан ишлаб чиқарила бошлаган янги модификациядаги "Нексия-2"нинг техник имкониятлари, ички ва ташқи дизайнига алоҳида эътибор берилгани унинг харидор-гирлиги кескин ошишини таъминлади.

Албатта, ҳар қандай йирик ишлаб чиқариш кўплаб ёрдамчи корхоналарни ташкил этишни тақозо этади. Таъкидлаш жоизки, маҳаллийлаштириш дастури асосида қисқа давр ичида Асакадаги автомобиль заводи учун кўплаб эҳтиёт қисмларни ўзимизда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу эса яқиний махсуслот таннархини пайсантириш, валютани тежаш, юқори сифат кўрсаткичларини таъминлаш ҳамда янги иш ўринларини очиб имконини берди.

Бугун Ўзбекистон автомобилсозлик саноти замонавий технологиялар билан жиҳозланган қатор корхоналарни ўз ичига олади. Маҳаллийлаштириш дастурига қўра, хорижидан асло қилишмайдиغان ўта сифатли эҳтиёт қисмлар ва нозик деталлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган турли йўналишдаги кўплаб қўшма корхоналар ташкил этилди. Бамперлар, прибор панеллари, ўриндиқлар, автоэкиппажлар, герметиклар, автомобиль салонининг ички қоплаш қисмлари, глушитель, трубабалар, балкалар ишлаб чиқариладиган корхоналар шулар жумласидандир. "GM Ўзбекистон" қўшма корхонасининг талабларига жавоб берадиган хусусий ишлаб чиқарувчилар эса турли хил бошқа эҳтиёт қисмларни ет-

казиб бермоқда. Юртимизда энгил автомобиллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган, уларга хизмат кўрсатувчи кенг тармоқли бутун бир инфратузилма яратилди. Хусусан, жойларда очилган жаҳон андозалари талабларига тўлиқ жавоб берадиган, илгор технологиялар билан таъминланган, автомобилларга сервис хизмати кўрсатувчи кўплаб шохобчалар ишининг йўлга қўйилгани юртимизда бу соҳа жадал тараққий этаётганидан далолатдир.

Автомобилсозлик соҳасида илгор тажрибага эга "General Motors" корпорацияси билан ҳамкорлик алоқалари соҳага замонавий технологияларни жорий этиш, ходимлар малакасини ошириш, янги иш ўринларини ташкил этиш учун шартит яратиш билан бир қаторда истеъмолчиларнинг таллаш имкониятларини ҳам кенгайтирмоқда. "GM Ўзбекистон" мамлакатимиз автомобилсозлик санотини ва умуман юртимиз иқтисодиётини янада тараққий эттиришга салмоқли хисса қўшмоқда.

Мана, 12 йилдирки, Ўзбекистон — автомобилсоз давлат. Бу жаҳон ҳам-jamiyati томонидан ҳам юксак даражада эътироф этилган ҳақиқатдир. Буларнинг барчаси, аввало, истиқлолимизнинг шарофати, давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамолигида узокни кўзлаб, босқичма-босқич амалга оширилаётган энгил иш-лохотлар бераётган самаралардандир. Ҳа, бир пайтлар автомобиль ишлаб чиқаришнинг тасавур ҳам қилмаган Ўзбекистон машиналари бугун дунё бозоридан жой олган, юзлаб шахар ва қишлоқлар қўчаларида елиб юрибди.

Ноира МАНЗУРОВА, Ирода УМАРОВА, Ҳўза Шархловчилари

ХОРИЖИЙ ОММАВИЙ АҲБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН МАВЗУСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Муаллиф анжуманининг айрим иштирокчилари, жумладан Кембриж форуми раиси Сиддхарт Саксенанинг (Буюк Британия) фикр-мулоҳазаларини келтириб ўтган: "Ўзбекистон том маънодаги фуқаролик жамиятини шакллантириш бора-сидаги ислохотларни босқичма-босқич амалга оширишнинг тўғри стратегиясини таллаб олган. Шу боис, назаримда, сўза эркинлигига биз Ўзбекистонда кўриб турган ёндашув оқилона ёндашувдир", - дейди британиялик эксперт.

АҚШнинг Янги демократиялар институти ваколатхонаси директори Мьюша Север хонимнинг таъкидлашича, "миллий хавфсизлик, шахснинг дахлсизлик ҳуқуқи ва оммавий ахборот воситалари эркинлигини таъминлаш ўрнисида мувоозанатни сақлаш жуда муҳимдир. Мен сўнгги йилларда Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари фаолиятида кўплаб ижобий ўзгаришлар юз бераётганига гувоҳ бўлдим. Улар давлат тузилмаларининг янада яхши ишлашига қўшма қўшмоқдалар. Шу билан бирга ОАВ ва давлат тузилмаларининг, матбуот хизматлари ўртасида яқин алоқаларни ўрнатилиш зарур", - дейди америкалик мутахассис.

Ҳозир университетли профессор, Туркия халқаро стратегик тадқиқотлар ташкилоти директори ўринбосари Мухамед Эронлининг айтишича, бугун, яъни Ўзбекистон демократик конституциявий давлатни шакллантиришнинг кўплаб босқичларини босиб ўтган бир пайтда, биз шунинг ишонч билан айтишимиз мумкинки, мамлакат босқичма-босқич ва тизимли тараққийнинг тўғри йўлини таллаган. Бу, шунингдек, оммавий ахборот воситаларини эркинлаштиришга ҳам дахлдордир.

Семинарга бағишланган яна бир мақола Хиндистондаги нуфузли нашрлардан бири, жаҳондаги сиёсий жараёнлар ҳақида таҳлилий материалларни чоп этишга ихтисослашган "Political Events" журнали саҳифаларида ҳам эълон қилинди. Унинг муаллифи ҳам Тошкентдаги семинар иштирокчиси бўлиб, хиндистонлик танқитчи сиёсий шарҳловчи М.К.Дхардир.

"Давлат назоратининг эскича усулидан эркинлик, демократия, либерализация ҳақидаги фикрлар ўз ифодасини топган том маънодаги оммавий ахборот воситаларига ўтиш жараёни Марказий Осиё мамлакатлари учун осон келмаётгани йўқ. Бундай шароитда Ўзбекистонда ОАВда ягона мафкур устуворлиги ва давлат назоратидан воз келиб, ахборот соҳасида ҳақиқий бозор механизмларини жорий этиш, - дейди муаллиф. - Анжуманда ОАВнинг молиявий ва техник асоси, уларни энг замонавий техник воситалар билан жиҳозлаш, журналистларнинг касбий малакасини ошириб бориш, уларнинг мустакил фаолият юритиши учун шарт-шароитлар яратиш каби масалаларга асосий эътибор қаратилди."

Муаллиф, шунингдек, ўқувчилар диққатини қўйидаги далилларга қаратади: "Ўзбекистон истиқлол йилларида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари таъминлашга салмоқли ютуқларни қўлга киритди, ушбу соҳаларга доир муҳим халқаро битимларни имзолади, - дейди у. - Фуқаролик жамияти институти шунинг билан ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолият юритиши ҳамда халқаро судлов тизимининг тўлақонли қўлланиши учун сиёсий ва ҳуқуқий замин яратилди."

Бельгиянинг "Ля газет Дипломатик" журнали ўзининг навбатдаги сонида ўқувчилар эътиборига мамлакатимизнинг 17 йиллиги ҳамда Ўзбекистонда динларга товулик мавзусига бағишланган мақолани ҳавола этди.

"Ишончли шерик имиджини қўлга киритган бугунги Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятнинг барча иштирокчилари билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик тарафдоридир, - дейди нашр. - У 1992 йилдан буюн БМТнинг аъзоси ҳисобланади. Мамлакат Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон меҳнат ташкилоти каби етакчи халқаро институтлар билан яқин алоқалар ўрнатган. Ўзбекистон жаҳоннинг илгор мамлакатлари ва нуфузли ташкилотлари билан фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Марказий Осиё минтақасининг қўқ марказида жойлашган Ўзбекистон жорий йилда ўз мустақиллигининг 17 йиллигини кенг нишонлайди. Ўтган давр мобайнида мамлакат диний эътиқод эркинлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда."

"Диний бағрикенглик, турли дин ва конфессиялар вақиллари ўртасидаги тинчлик-тотувликка содиқлик каби сифатлар ҳамisha ўзбек халқининг ўзига хос жиҳатларидан бўлган. Айни шу тамойиллар Ўзбекистоннинг мустакиллик давридаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда. Кўплаб тарихий ва жўррофий омиллар мамлакатда диний хилма-хиллик қарор топишига ва бу ерда яшаб келаётган халқнинг маданиятини бойитишга имкон беради", - дейилади мақолада.

Нашр диний эътиқод эркинлиги юртимизда қонун йўли билан қаролатилганига эътибор қаратиб, бу борада Ўзбекистон қонунлари инсон ҳуқуқлари соҳасидаги барча халқаро пакт ва шартномалар меъёриларига тўла мос келишига уруғ беради. "Ўзбекистон қонунчилигида дин ва эътиқод эркинлиги тамойиллари ҳамда уни амалга ошириш усуллари аниқ-равшан белгилаб қўйилган", - деб ёзади "Ля газет Дипломатик".

Германиянинг "Дипломатическe Магазин" журналада "Буюк Ипак йўлидаги тараққий тимсоли" сарлавҳали мақола чоп этилди. Унда мамлакатимизнинг Берлиндаги элчихонасида бўлиб ўтган "Сармоявий муҳит ва Ўзбекистон билан иқтисодий ҳамкорлик имкониятлари" мавзусидаги тақдимот маросими ҳақида ахборот берилди.

"Сиёсий барқарорлик, жадал ривожланаётган саноят, қишлоқ ҳўжалиги, бой табиий ва меҳнат ресурслари - Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий сармоялар оқимини юқлатиришга хизмат қилаётган омиллар, - дейди нашр. - Ўзбекистон нафақат хорижий сармояларни, балки иқтисодиётнинг барча соҳаларига илгор технологияларни жалб этиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ мамлакат қисқа давр ичида автомобилсозлик, фармацевтика, кимё, қурилиш материаллари саноти, ахборот технологиялари каби соҳаларда диққатга молик натижаларни қўлга киритишга муваффақ бўлди."

Польшанинг "EuroSTYL" журналада "Буюк Ипак йўли чорраҳасида" сарлавҳали мақола эълон қилинди. У ранг-баранг суратлар билан безатилган бўлиб, юртимизнинг бой тарихи ва маданияти, қўна шахарлари тўғрисида ҳикоя қилади.

"Ўзбекистон - инсониятнинг энг ҳайратомуз ютуқларидан бири ҳисобланмиш Буюк Ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган бетакрор диёр. Унинг туپроғига қадам қўйган ҳар бир инсон ўзбек халқи томонидан қўз-қорачиқий асар-авайлаётган ноёб маданий меросга мейвотиёр мафтун бўлади. Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Термиз ва Қўқон каби шаҳарларнинг доврўру бутун дунёга кетган бўлиб, улар тарихда илм-фан, маданият ва маърифатнинг йирик марказларидан бўлган. Бу шаҳарлар ўз бағрида кўплаб қўна ёдрорликларни - қалъалар, миноралар, масжидлар, улўғвор макбараларни жо этган", - дея хикоя этилади мақолада.

Мамлакатимизнинг бугунги ҳаёти тўғрисида ҳикоя қилиб, журнал, жумладан шундай ёзади: "Ўзбекистон ҳозирги кунда янада гуллаб-яшнамоқда. Ҳўзал меҳмонхоналар, рестороанлар, кафеалар бунёд этиляпти. Улардаги хизмат кўрсатиш даражаси халқаро андозаларга тўла мос келади. Ўзбекистон сайёҳлик соҳасида минтақадан етакчи мамлакатдир. Самарқанд 2750 йиллик тарихга эга бўлган жаҳоннинг энг қўна шаҳарларидан бири - Рим, Афина, Бобилнинг тенгдошидир.

Бухоро эса гавжум бозорлари билан шўхрат қозонган. Улардан жаҳоннинг барча бурчақларидан келтирилган энг ноёб махсуслотларни топиш мумкин.

Хива 1997 йили ЮНЕСКО шафёлигига ўзининг 2500 йиллик юбилейини нишонлади. Шаҳарнинг меъморий ёдрорликлари бир неча асрдан буюн дунё сайёҳларини ўзига жалб этиб келмоқда."

Мақола якунида Ўзбекистонга қилинажак сафар нафақат бу юртинг меъморий ёдрорликларига гўзал табиати, балки ушбу заминда истиқомат қилаётган инсонларнинг меҳмондўстлиги, бир-биридан гўзал урф-одатлари, шириндан-шакар меваларни иштаҳани қитқилковчи таомлари билан ҳам унутилмас бўлиб қолишини қайд этади.

«Жаҳон» АА.

ҲАМКОРЛИКДАГИ ИШЛАР САМАРАСИ

ТАБИИЙ ГАЗДАН ИНСОН МАНАФАТЛАРИ УЧУН ФОЙДАЛИЛИШНИ ХХ-ХХІ АСРЛАР МЎЪЖИЗАСИ ДЕСАК БЎЛАДИ. ХХ АСРНИНГ ЕТМИШИНЧИ ЙИЛЛАРИГАЧА ҚИШДА ХОНАДОНЛАР, ТУРЛИ ДАВЛАТ МУАССАСА ВА ТАШКИЛОТЛАРИ, ЎҚУВ ДАРГОҲЛАРИНИ ИСИТИШ УЧУН ТАБИИЙ ГАЗ ЎРНИДА КЎМИР ИШЛАТИЛАРДИ. ЭНДИЛИКДА ТЕМИР ҚУВУРЛАР ОРҚАЛИ НЕЧА КИЛОМЕТРЛАРДАН ХОНАДОННИНГИЗА ТАБИИЙ ГАЗ КЕЛАДИ. ГАЗ ПЛИТАНИНГИЗНИНГ ҚУЛОГИНИ БУРАБ, ГУГУРТ ЧАҚСАНГИЗ БАС, КЎЗ ЎНГИНГИЗДА «ЗАНГОРИ ОЛОВ» НАМОЁН БЎЛАДИ.

Истиқлолдан кейинги йилларда мамлакатимизнинг чекка қишлоқларига табиий газ қувурлари тортилди. Ва бу бебаҳо табиий бойлик халқимизнинг мушкулини осон қилди. Қишда уйлариимизни иситишда, йил ўн икки ой ўй бекаларининг оғирини энгил қилади.

Ташкилот ва хонадонларда газ ҳисоблагичининг ўрнатилиши бебаҳо бойликни меъёрий билан сарфлаш имконини берди. Бир сўз билан айтганда, табиий газ инсоннинг беминнат дастёри бўлиб қолди. Аммо шунинг ҳам айтайти ўтиш керакки, бу беминнат дастёрга эҳтиётсизлик билан муносабатда бўлсангиз, ҳалокатга олиб келиши ҳеч гап эмас. Табиий газнинг мана шу нозик томонини инобатга олиб шахар, туман газ хизмати ва туман ИИБ ЕХБлари ҳар йили биргаликда режа асосида иш олиб борадилар. Уларнинг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли кўпгина нохуш ҳодисаларнинг олди олинади.

Биз пойтахтимизнинг «Мирободтуманга» хизматида бўлганимизда хавфсизлик техникаси бўйича муҳандис Отабек Музаффаров куйидагиларни гапириб берди:

— Мен табиий газ одамларнинг беминнат дастёри, шу билан бирга эҳтиёт чоралари қўрилмасда, аёвсиз душмани деган сўзга ишонман. Нохуш ҳодисаларнинг кўп шохиди бўлганмиш. Қувурлар ва мосламаларнинг игнадек жойидан газ сизиб чиқишини ҳамма ҳам ўз вақтида пайқамайди. Газ мосламаларини ўзбошимчалик билан ўрнатиш ва улаш орқали қўлгина бахтсиз ҳодисалар рўй беради. Шуларни инобатга олиб туман газ хизмати бошлиғи Шоқир Мўминов раҳбарлиги остида корхона, ташкилотларда, мактаблар, мактабгача таълим муассасалари, Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар, ногиронлар ва қариялар уйлари, олий ва ўрта махсус таълим масканлари ҳамда даволаш муассасаларида табиий газдан фойдаланишда энгил хавфсизлиги ва инсонлар хавфсизлигини таъминлаш, табиий газдан қонқонуний фойдаланиш ҳолатларининг олдини олиш юзасидан туман ИИБ энгил хавфсизлиги бўлими ходимлари билан биргаликда ҳар йили аниқ режа асосида қатор тадбирларни амалга оширамиз.

Бунда турли плакатлар, видеотасмалар асқотади. Бу ишда бизга маҳаллий фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари яқиндан ёрдам беришади. Хусусан, бу тадбирларнинг мактаб, мактабгача таълим муассасалари, махсус мактаб-интернатлар, олий ва ўрта махсус таълим даргоҳларида ўтказилиши муҳим аҳамият касб этади.

— Масалан, жорий йилда туман ИИБ ЕХБ ходимлари капитан О.Холжўаев, кичик инспектор И.Умархожаев, туманга ҳизмати оҳдимлари бош муҳандис М.Қосимов, катта уста М.Мухидов ва муҳандис О.Музаффаров билан биргаликда Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли тиббиёт кутубхонаси, «Ал-Бадр» жоёмеъ масжиди, тумандаги 139-сонли мактабгача таълим муассасаси, темир йўл коллежи ва транспорт институтида ўтказилган тадбирлар қутулган натижани берди. Йил охиригача бошқа ташкилот, муассаса ва билим даргоҳларида жонли сўхбат ва мулоқотлар давом эттирилади.

Халқимизда «Эҳтиёт—ярим ҳаёт» деган нақл бор. Ҳақиқатан ҳам, қўлгина нохуш ҳодисаларнинг олдини олишда газ хизмати ва энгил хавфсизлиги ходимларининг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракати ўз самарасини бериб келмоқда. Аммо «Қарс икки қўлдан» деганларидек аҳоли билан ҳамкорликда иш олиб борсак, ҳар қандай нохуш ҳодисаларнинг олдини олишга эришамиз.

А.СУБХОНОВ



МУСАФФОЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

«Хамза-Махсустрас» хизмати ҳам ана шундай фаолият эътиборга лойиқ жамоалардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда туман ҳудудида фаолият кўрсатаётган саноят корхоналари ва аҳоли томонидан чиқарилаётган чиқиндиларнинг тўпланиб қолаётганини учратмайсиз. Мазкур жамоанин бевоқиф ташаббуси билан айни пайтда жойларда 121 тадан зиёд чиқинди ташлаш пунктлари ташкил этилган.

Уларга йиғилган чиқиндиларни ўз вақтида олиб кетиш учун 33 та замонавий юк ортиш автомобиллари ва 200 дан зиёд ишчи-хизматчилар ажратилган. Бу эса туман ҳудудидаги ҳар бир маҳалла, гузар ва кўп қаватли уйлариинг саранжом-саришталига хизмат қилмоқда.

Туман «Махсустрас» корхонаси раҳбари Фурқат Каримовнинг таъкидлашича, туман ҳудудидан кунига 500-550 куб метр, ойига эса 14000 куб метрлик чиқиндилар йиғиб олиниб, қайта ишлаш пунктлари-

га юборилмоқда. Бундан кейин ҳам шахримиз экологиясининг мусаффолиги учун барча имкониятлар сафарбар этилаверди. Аммо «Қарс икки қўлдан чиқади» деганларидек фуқаролар ҳам «Махсустрас» билан ўз вақтида ҳисоб-китобларни амалга оширсалар мақсадга мувофиқ бўларди.

(Ўз мухбиримиз) СУРАТДА: Хамза тумани «Махсустрас» хизмати фаолиятдан лавҳа

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ ҲАР ТОМОНЛАМА ОБОД ВА ГЎЗАЛ, САРАНЖОМ-САРИШТА БЎЛИШИДА ЖОЙЛАРДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН «МАХСУСТРАНС» ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИНИНГ ҲАМ ҲИССАСИ КАТТА.

ЯПОН КИНОСИ КУНЛАРИ

ИКУМО ХИРОЯМА НОМИДАГИ ХАЛҚАРО МАДАНИЯТ ҚАРВОНСАРОЙИДА БИР ҲАФТА МОБАЙНИДА ЯПОН КИНОСИ КУНЛАРИ БЎЛИБ ЎТАДИ.

Бу кунлар мобайнида ўзбекистонлик киномухлислар эътиборига япониялик танқилчи режиссёрлар ижодида мансуб бадиий ва мультипликацион фильмлар ҳавола этилади.

— Ушбу тадбир «Ешлар йили» муносабати билан ташкил этилиб, ёшларнинг ёзги таътилини мазмунли ўтишига ҳам хизмат қилади, — дейди Халқаро маданият қарвонсаройи раҳбари Ф.Усмонов. — Бир ҳафта мобайнида намойиш этиладиган япон киноижодкорларининг сара киноасарлари икки халқ ўртасидаги дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлайди. Ёшларимизда кунчиқар мамлакат маданияти ва санъати тўғрисида ўзига хос тасвирот уюғотади.

Тадбир давомида намойиш этиладиган кинолар орасида машҳур режиссёрлар Китано Такеши, Ёдзи Ямада, Эдвард Цвика, Машита Масаёши ижодиға мансуб «Ханаби», «Затоичи», «Бешафат полициячилар», «Сўнги самурай» бадиий фильмларининг борлиги унинг аҳамиятини янада оширади. Сўнги йилларда ўз махсусоти билан дунё эътиборини қозонган «Джибли» студияси томонидан ишланган мультфильмлар эса болажонлар учун аjoyиб тўхфа бўлишига шубҳа йўқ.

«ЎЗБЕК ФОТОГРАФИЯСИНING 125 ЙИЛЛИГИ» ДЕЯ НОМЛАНГАН АНТОЛОГИЯНИНГ УЧИНЧИ ТОМИ БОСМАДАН ЧИҚИШ АРАФАСИДА.

ЎЗБЕК ФОТОГРАФИЯСИ АНТОЛОГИЯСИ

«Ўзбекистон маданияти ва санъат форуми» жамғармаси ва Тошкент фотосуратчилар уйи ҳамкорлигида 2005 йилда ўзбек фотографияси хусусида ҳикоя қилувчи антология чоп қилишга киришилган. Унинг биринчи томи ўзбек фотосуратчилиги ривожланиши бошлаган даврларни ўз ичига олади. Яъни, унда ўн тўққизинчи асрнинг охири ва йигирманчи асрнинг биринчи ярмида бу соҳада эришилган ютуқлар ўз аксини топган. Иккинчи томи эса 1940 йилдан 1991 йилгача бўлган даврни қамраб олган бўлиб, табиийки, унда Иккинчи жаҳон уруши асоратларини акс эттирган фотожод намуналарни кўпроқ ўрин эгаллаган.

Учинчи томда эса мамлакатимиз мустақилликка эришгандан бошлаб фотопленкаларга муҳрланган кадрлар жой олган. Унда бугунги кунни ҳикоя қилувчи фотосуратларга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу антологияларнинг намойиши қатор хориж давлатлари — Россия, Хитой, Германия, Украинада ташкил этилиб, фотожод мухлисларининг эътирофига сазовор бўлди.

«Туркистон-пресс»



ЮРТИМНИНГ ЮРАГИСАН, АЗИМ ПОЙТАХТИМ!

ПОЙТАХТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ВА ЎЗИГА МОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Тошкент шаҳри тарихий манбаларга кўра, Тянь-Шань тоғ тизмалари, Амударё ва Сирдарё ўртасида жойлашган бўлиб, эраимиздан аввалги 260 йилларда вужудга келган.

Тошкент шаҳрининг умумий майдони 334,8 кв.км.га тенг. Аҳолиси 2,5 млн кишини ташкил этади. 11 та маҳаллий ҳокимлик, 474 та ўзини ўзи бошқариш органи фаолият юритади.

Тошкент шаҳри мустақил Ўзбекистон Республикасининг пойтахти сифатида Ватанимизнинг фахри ва ифтихори ҳисобланади. Қадим ва ҳамisha навқирон Тошкент бепоян юртимизнинг кўрғи, миллий истиқлолимизнинг тимоли, дўстлик шаҳри сифатида халқро майдонда алоҳида нуфузга эга.

Тошкент шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа Иттифоқи, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Шунингдек, 90 дан ортиқ халқро нодавлат ташкилотлар ваколатхоналари, 40 дан ортиқ мамлакат элчихоналари жойлашган.

Тошкент ўзининг юксак интеллектуал ва маданий салоҳияти билан алоҳида ажралиб туради. Мамлакатимиздаги марказий муассаса ва идоралар, энг нуфузли илм-зиё масканлари – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, етакчи олий ўқув юртлири, фан ва маданият марказлари, театр ва музейлар, кутубхоналар Тошкент шаҳрида жойлашган.

Шаҳар иқтисодиётида саноат, хизмат кўрсатиш ва сервисни ривожлантириш, экспорт ва хорижий инвестицияларни жалб этиш учун катта қулай имкониятлар мавжуд.



Назм

Дорилфунун

Дунё тилсимларин билмоқчун тугал,
Одамзод зиёга иштиқдор азал.
У тошга илк бор ҳарф ўйгани маҳал
Бўзгандан отилган ҳайратли унсан,
Қутадғу билликсан, дорилфунунсан.

Оқиллар дилида ёнган учқунсан,
Сен туркий қомуссан,
дорилфунунсан.

Ўлкада авж олди жангу истило,
Ғохи шарқ, соҳ шимол келтириб бало,
Маърифат олови ўчмади аммо,
Мунаввар қорилар қурган устунсан,
Қурашлар меваси дорилфунунсан.

Хоразмий «Ал-жабр»и олами тупди,
Беруний қуррани қадамлаб ўтди,
Улугбек жаҳолат бағрини йиртди,

Шукр-ки, Истиқлол бўлди сенга ёр,
Порла Шарқ машаъли, порла устувор!
Сени кутламоқда бугун хўр диёр,
Шу қутлуғ ёшигда нурли, гулгунсан,
Ватаним фахрисан, дорилфунунсан!

Мухтор ХУДОЙКУЛОВ,
ЎЗМУ профессори, ёзувчи

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ


Бунчалар кечикдинг, учрашишга ёр,
Яхшиям бор экан тошдайин бардош,
Зор-зор қутавериб бўлдим бахтиёр,
Қил-қизил шафқатга ботанда кўёш.
Висол чоғи шошма, Тошкент оқшоми,
Ярим тундан ошма, Тошкент оқшоми.

Шукри, ушалмиш орзу-армоним,
Иккимиз шарафлар ойдин қўчалар,
Қанидди ҳамisha бўса посбоним,
Юлдузларга тўла шундай кечалар.
Иккимизга сирдош, Тошкент оқшоми,
Бишмизга нурпош, Тошкент оқшоми.

Эшигинг олдиди ҳайрашдинг сен,
Сездирмай оҳ урдим юрагим ушалаб,
Уша онда мавоз бўлди қолдим мен,
Назаримда дунё қолгандай бўшаб.
Ширин тушиммиди, Тошкент оқшоми,
Фикру хушиммиди, Тошкент оқшоми!

Асрор МҮМИН

ЁЗНИНГ ЖАЗИРАМА ИССИҚ КУНЛАРИДА СОЯ-САЛҚИН, ХУШМАНЗАРА ЖОЙЛАРГА БОРИБ МАДАНИЙ ҲОРДИҚ ЧИҚАРИШИ ХОҲЛАЙМИЗ АЛБАТТА. ДИНИҚСА НОВИЙ КҮЛ БҮЛСАЮ, СУВНИНГ МУСАФФО ҲАВОСИДАН ТҮЙИБ-ТҮЙИБ БАҲРА ОЛСАНГ ҚАНДАЙ ЯХШИ.



СҮЛИМ ВА ХУШМАНЗАРА ГҮШАЛАРИМИЗ

Маълумки, пойтахтимизда мана шундай гузал ва баҳою, яшил даракзорлару, гул-чечакларга бурканган сулим ва хушманзара гўшаларимиз бисёр. Шаҳримиз қиёфасига яна ҳам ўзгача ҳусн ва жозоба, тароват бахш этувчи маданият ва истироҳат боғларимиз ҳамisha дамқорларимиз ҳамда пойтахтимиз меҳмонларини ўзига мафтун этиб, бағрига чорлайди. Ана шундай дам олиш масканларидан бири Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи айна кунда ҳамшаҳарларимиз билан гавжум. Ёзинг жазирама чилласида каттао кичкиннинг сезимли дам олиш гўшасига айланган мазкур боғ кўп йиллардан бунён ўз файзу тароватини йўқотмай шаҳримиз кўрғига кўрк қўшиб турибди.

Ҳар йили ёз мавсумида шу боғга оиламиз билан тез-тез келиб дам оламиз, ҳамди ҳамшаҳарларимиздан меҳнат фахрийси Ноида яя Исхандарова... Айниқса, етти нафар набираларим «Бувжон «сувли» боғга олиб боринг» деб ҳеч қўйишмайди. Бу ердаги кўлда ота-оналари назоратида «чули»лишади, турли аттракционларда учиб мазза қилишади. Биз катталар эса кўл бўйида ўтириб мерокли дам оламиз. Сувнинг салқини жонга роҳат бағишлайди. Шундай боғларимиз борлигидан жудаю хурсандим.



— Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи 1937 йил хашар йўли билан барпо этилган. Боғнинг қурилишида асосан ёшлар иштирок этган,— дейди мазкур боғ раҳбари Собит Маматов.— Боғ 1938 йилдан ўз фаолиятини бошлаган. Мустақиллигимиздан сўнг, 1991 йилдан бошлаб Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи деб юритила бошланди. Боғнинг умумий майдони 41 гектар бўлиб, шундан 9 гектари кўлдан иборат. 2005 йилда боғ реконструкция қилиниб, қайта тавмирланди. Боғ кираверишидаги дарвоза арка қайта қуриди, кириш қисмида кенг кўламдаги ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. 10 минг квадрат метр майдонда майсазорлар барпо этилди. Боғдаги эски дараклар ўрнига манзарали арча, дуб дараклари ўтказилди, суғориш тармоқлари кенгайтирилди. Боғнинг файзига файз қўшиб турган 9 гектарли кўл тозаланиб, қирқокларига янгитдан тош ётказилди. Сув ҳавзасида тинч ва зилол сувни тавмирлаш мақсадида сув тинитиш мосламаси қуриб ўтказилди. Кўлда иккита оролчада кафе, янги «Кема» кафеси барпо қилиниб, ишга туширилди, қирқокларни оролча орқали боғлаб турувчи иккита осма кўприклар зиналош шаклида қайта янгиланди. Ҳозирги вақтда боғда 10 та болалар

ўйингоҳлари, кўлда 10 донга қайиқ, 28 та катамаран, 2 донга моторли қайиқ, 10 донга эшакли қайиқлар ҳамisha даракларимизга кўнгилли дам олишларида самарали хизмат кўрсатмоқда.

Шунингдек, боғ ҳудудида болалар темир йўли фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда жажжи болаларнинг поездага айланиб, олам-олам қувончга тўладилар. Бундан ташқари боғдаги барча дараклар ва майсаларга ишлов берилиб мунтазам суғориш ишлари амалга оширилади. Боғда терак, акация, шўмлол, қора арча, қарағай, қора қарағай, тоқ, тут, дуб, чинор, аргувон, каштандан иборат бўлган соя-салқин дараклар мавжуд. Кўлдига зилол сув вақтида ўтлардан тозаланиб, лаборатория таҳлилидан ўтказилиб, текшириб турилади. Чўмилиш ҳавзаси айна кунда дам олувчилар билан яна ҳам гавжум. Оромгоҳда қумлар ва сояболлар, кийиниш хоналари мавжуд.

Боғда ҳар йили катта сайиллар, байрам тadbирлари, жумладан Наврўз сайли, Халқро болаларни химоя қилиш кўни, Халқро гивандликка қарши кураш кўни, Халқро Оила кўни, Маҳалла кўни, Халқро сув кўни, Республика гуллар ва қушлар байрами, Мустақиллик байрами тadbирлари ва оммавий халқ сайиллари шодиёна тарзда ўтади. Бундан ташқари кўлаб маданий-маънавий тadbирлар, танловлар, фестиваллар

ўтказиш анианага айланган.

2006 йилда боғ ҳудудига 265 туп дуб даракти ва 250 туп арча ўтказилди. Шунингдек, 5000 метр квадрат жойга яшил майса экилиб, кўламозорлаштирилди. Шунинг ҳам таъкидлаш кераки, айна кунда болаларнинг ёзги дам олишларини кўнгилли ва мароқли ўтказиш мақсадида бир қатор тadbирлар амалга оширилди. Бу борада «Маҳалла» жамғармаси билан кам тавмирланган оилалар, Меҳрибонлик уйлари ва шаҳримизда ташкил этилган соғломлаштириш оромгоҳлари билан ҳамкорликда кўлаб тadbирлар ташкил этилмоқда. 2008 йилнинг биринчи ярим йиллигида кам тавмирланган оила фарзандларидан 560 нафар болага 224000 сўмлик бепул хизмат кўрсатилди. Мақсадимиз халқимиз шу масканда кўнгилли ва мазмунли ҳордиқ чиқариб, мазза қилиб дам олсин, жажжи болажонлар қувнаб-яйрашсин. «Яши дам» маҳнатта ҳамдам» деб бежиз айтилмаган, ахир, Истардики, шаҳримиз кўрғи бўлган бу каби кўлаб боғларимиз ҳамisha гуллаб-яшнасин, файзу таровати янада ошсин.

Дилором ИКРОМОВА
СУРАТЛАРДА: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғидан лавҳалар

ИЗЛАНИШЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

ЮНЕСКО БОШ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ҚАРОРИ БИЛАН ПОЙТАХТИМИЗ ХАЛҚАРО НУФУЗИНИНГ ЯНАДА ОШИРИЛИШИ ВА ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ «ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ ХАЛҚИМИЗНИНГ ЧЕКСИЗ ҚУВОНЧИГА САБАБ БҮЛДИ. ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ ҚАДИМДАН ИЛМ-ФАН ВА МАДАНИЯТНИНГ ЙИРИК МАРКАЗИ, ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК РАМЗИ БҮЛИБ КЕЛАЁТГАНИ, УНИНГ ХАЛҚАРО ОБЎРСИНИНГ ОШИБ БОРАЁТГАНЛИГИ БАРҒАГА МАЪЛУМДИР.

Тарихчи-археолог олимларимизнинг илмий қазилма ишлари муносабати билан шаҳар давлатчилиги тарихининг археологик манбалар асосида қайта тикланиши дунё микёсидаги илмий галабодир. Биз архив суҳбати ходимлари ҳам тарихчилар сафида ўз изланишимизни давом эттирмаймиз. «Узархив» агентлиги тизимидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви, Ўзбекистон Республикаси Илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари марказий давлат архиви, Ўзбекистон Республикаси Кино, сурат ва овозли ҳужжатлар марказий давлат архиви, Тошкент вилоят давлат архиви ва Тошкент шаҳар давлат архивининг илмий ходимлари ва етакчи архивчи мутахассислари томонидан архивлар сақланаётган Тошкент шаҳрининг серқирра тарихига оид ҳужжатларни янада «чурроқ» ўрганишга киришилди. Тошкент шаҳар Архив иши бошқармаси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тарих институти илмий ходимлари томонидан давлат архивлари ҳужжатлари асосида Ўзбекистон ва жумладан Тошкент шаҳрининг маълум даврлардаги ривожланиш тарихини кенг-роқ ёритиш мақсадида илмий-оммабоп рисоалар тайёрлашга ўзаро шартномалар тузилади ва илмий-ижодий ишлар бошлаб юборилади. Турли соҳа олимлари, тарихчилар ва чет эллик тадқиқотчиларнинг давлат архивларида илмий изланишлари олиб боришлари учун барча шароитлар яхшиланмоқда. Тошкент шаҳри тарихига оид турли ва аниқ мавзуларда архив ҳужжатларининг рўйхатлари ва йиғма жилдларини қўриб чиқиш ишлари давом эттирилмоқда. Ута қимматли, ноёб, сермазмун ва қизиқарли бўлган архив ҳужжатлари алоҳида белгиланмоқда. Режа асосида 2008-2009 йиллар мубойида архивларда «Шарқ дарвозаси», «Тошкент шаҳридаги бунёдкорлик ишлари», «Тошкент—буюк сиймолар Ватани», «Буюк ўтмишга назар», «Тошкент тарихига—архив ҳужжатлари гувоҳлик беради», «Кўҳна ва навқирон азим Тошкент» ва бошқа туркум мавзуларда архив ҳужжатлари кўргазмалари ташкил этилади. Кўргазмаларда XII асрдан бошлаб ўзгиргача бўлган даврлардаги тарихий манбалар, ёрликлар, дарвоза калитлари ва тангалар, тери, чарм, шойи ва қозоғ асосларидаги архив ҳужжатлари, хариталар, расмлар, кино ва овозли ҳужжатлар намойиш учун тақдим этилади. Хар бир архив ҳужжати остида бир олам мазмун ифодаланган бўлиб архивларга ташриф буюрувчи хар бир фуқарога уларнинг тарихи, Тошкент шаҳрининг бой тарихи асл ҳужжатлар асосида ёритиб берилади. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Топонимия комиссияси ишлари шаҳар хабарчилари, маҳалла ва гузарлари, кўчалари, катта, тор ва берк кўчаларининг эски номларини архив ҳужжатлари асосида аниқлаб бериш, қайта тиклаш ёки янги номлаш учун асослар тақдим этиш ишларига ҳам архивлар томонидан яқиндан ёрдам берилмоқда.

Алижон МАҲҚАМОВ,
Тошкент шаҳар Идораларо шахсий тарихий ҳужжатлари марказий архиви директори

Абу Саъид Хайсам ибн Қулайб Шоший (ваф. 335/947) ишончли муҳаддис бўлиб, ҳадис илмига катта хисса қўшган. Унинг тўлиқ исми – Абу Саъид Хайсам ибн Қулайб ибн Сурайж (баъзи манбаларда Сурайж деб келтирилган) ибн Маъқил Шоший Бинқасий Туркий Адидбир. Хайсам ибн Қулайб Шоший Шош (Тошкент) воҳсининг бош шаҳри Бинқасда тутилган. Унинг хаёти ва фаолияти Мовароуннаҳр, Хуросонда ҳадис илми ривожланган олтин давр – иккинчи ўнчига асра тўғри келади. Хайсам ибн Қулайб Шоший илм-маърифат ўрганиш мақсадида Бухоро, Самарқанд, Насав ва Термиз каби шаҳарлар ҳамда ислом дунёсининг турли марказларига сафар қилган. Унинг устозлари жуда кўп бўлиб, элликдан ортиқ машҳур олим устозларидан ҳадис ўргангани ҳақида манбаларда маълумотлар бор. Унинг энг машҳур устозларидан термизлик буюк муҳаддис Абу Исо Мухаммад Термизий, мақалик Абул Ҳасан Бағовийларни кўрсатиш мумкин.

Ўрта аср араб муаллифлари юрдошимиз номини «Имом Шоший» деб эътиром билан тилга олиб, уни ҳадис илмининг машҳур алломаларидан бўлганини алоҳида таъкидлаб ўтишган. Имом Шошийнинг «Муснад» («Муснади Кабир») номли асари тўлиғича ҳадисларга бағишланган. Бу асарнинг ягона қўлёзма нусхаси яқин вақтгача Суриянинг Дамашқ шаҳридаги «аз-Зоҳирия» кутубхонасида 277-рақам остида сақланган, кейинчалик Дамашқдаги нодир қўлёзмалар сақланадиган «Мақтабат ал-Асад» номли кутубхонага ўтказилган.

Абу Саъид Хайсам ибн Қулайб Шоший (ваф. 335/947) ишончли муҳаддис бўлиб, ҳадис илмига катта хисса қўшган. Унинг тўлиқ исми – Абу Саъид Хайсам ибн Қулайб ибн Сурайж (баъзи манбаларда Сурайж деб келтирилган) ибн Маъқил Шоший Бинқасий Туркий Адидбир. Хайсам ибн Қулайб Шоший Шош (Тошкент) воҳсининг бош шаҳри Бинқасда тутилган. Унинг хаёти ва фаолияти Мовароуннаҳр, Хуросонда ҳадис илми ривожланган олтин давр – иккинчи ўнчига асра тўғри келади. Хайсам ибн Қулайб Шоший илм-маърифат ўрганиш мақсадида Бухоро, Самарқанд, Насав ва Термиз каби шаҳарлар ҳамда ислом дунёсининг турли марказларига сафар қилган. Унинг устозлари жуда кўп бўлиб, элликдан ортиқ машҳур олим устозларидан ҳадис ўргангани ҳақида манбаларда маълумотлар бор. Унинг энг машҳур устозларидан термизлик буюк муҳаддис Абу Исо Мухаммад Термизий, мақалик Абул Ҳасан Бағовийларни кўрсатиш мумкин.

Ўрта аср араб муаллифлари юрдошимиз номини «Имом Шоший» деб эътиром билан тилга олиб, уни ҳадис илмининг машҳур алломаларидан бўлганини алоҳида таъкидлаб ўтишган. Имом Шошийнинг «Муснад» («Муснади Кабир») номли асари тўлиғича ҳадисларга бағишланган. Бу асарнинг ягона қўлёзма нусхаси яқин вақтгача Суриянинг Дамашқ шаҳридаги «аз-Зоҳирия» кутубхонасида 277-рақам остида сақланган, кейинчалик Дамашқдаги нодир қўлёзмалар сақланадиган «Мақтабат ал-Асад» номли кутубхонага ўтказилган.

Хайсам ибн Қулайб Шошийнинг «Муснад» («Муснади Кабир») номли асари тўлиғича ҳадисларга бағишланган. Бу асарнинг ягона қўлёзма нусхаси яқин вақтгача Суриянинг Дамашқ шаҳридаги «аз-Зоҳирия» кутубхонасида 277-рақам остида сақланган, кейинчалик Дамашқдаги нодир қўлёзмалар сақланадиган «Мақтабат ал-Асад» номли кутубхонага ўтказилган.

ШОШ ВОҲАСИ ОЛИМЛАРИНИНГ ИСЛОМ МАДАНИЯТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

192 варақдан иборат ушбу қўлёзма 1163 йилда хатот ал-Ҳофиз Зиёуддин ал-Муқаддасий томонидан насх хатида кўчирилган. Мазкур китобнинг мавзуси унинг «Муснад» номидан маълум бўлиб, Хайсам ибн Қулайб аш-Шоший уни саҳоба муснадлари бўйича тартиблаган ва хар бир саҳоба ривоят қилган ҳадисларни жамлаган. «Муснад» китобида инсонларни одоб-ахлоқ, меҳр-оқибат, ҳалоллик, поклик, адолат, имон-этиқодга даъват этувчи ҳадислар билан бир қаторда кишиларни қотиллик, разолат, фитна-фасод, зулм каби иллатлардан қайтарувчи ҳадислар ҳам ўз ифодасини тошган.

Имом Абдуллох ибн Абу Авона Шоший, Имом Абу Бакр Мухаммад ибн Али ибн Ҳомид Шоший, Абу Саъид Исо ибн Солим Шоший, Абу Мухаммад Жаъфар ибн Шуайб Шоший, Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Ҳузайм Шоший, Абу Али Хасан ибн Соҳиб ибн Ҳамид Хофиз Шоший, Абулхайр Наср ибн Хасан ибн Қосим Шоший Тунқатий, Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Ҳузайм ибн Қумайр ибн Ҳоҳон Шоший каби кўлаб муҳаддислар ислом дунёсининг турли шаҳарларидаги мадрасаларда ҳадис илминдан сабоқ беришгани, кутубхоналарда турли диний билимларнинг айрим масалалари бўйича мунозаралар ўтказилгани араб манбаларида зикр этилган.

Ахорнинг ва баъзи бошқа тасаввуф намояндларининг тарихатга оид фикрларидан намуналар келтирилган. Иккинчи рисола – «Валидия» («Отага бағишлов») деб аталган бўлиб, унда тарикат йўлига кирган кишининг одоб-ахлоқи, фақр ва фано тушунарли ҳақида сўз боради. Ушбу рисолаани Заҳририддин Мухаммад Бобур форс тилидан ўзбек тилига шеърий таржима қилган. Учинчи рисола – «Хаврония» деб аталиб, машҳур мутасаввиф шоир Абу Саъид Абулхайрининг «Хаврон» («Хурлар» ёки «Фаришталар») сўзи билан бошланувчи бир рубоийсини шарҳлашга бағишланган.

XIV – XIX асрларда Шош воҳаси ижтимоий-маънавий ҳаётида шоирлар, табиблар, хатотлар ва тарихчи олимлар мумим ўрин тутди. XIV асрда Шошда яшаган «Малик уш-шуаро» («Шоирлар пешвоси») сифатида танилган ҳамда кўзга кўринган муаррирлардан бири Абу Сулаймон Банокатийдир. Унинг каламига мансуб «Равзат ул-алоб фит-таворих вал-ансоб» («Улуғ кишиларнинг тарихи ва насаблари ҳақида оқиллар боғи») асари «Тарихи Банокатий» сифатида машҳур бўлган. Шу даврда яшаб ижод этган шоирлардан бири Бадриддин Чочий бўлиб, у умрининг аксарият қисмини Ҳиндистонда ўтказди. У гўзал шеър ва қасидалар битиб Дехлидек азим шаҳарда «Фахр уз-замон» даражасига эришди. Яна шошлик шоир Алоий Шоший (XVI аср) шеърини мулкнинг султони Алишер Навоийнинг эътирофига сазовор бўлган. Буюк мутофаккир Алоий Шоший билан мулоқоти ва муаммо айтишганини «Маҷолис ул-нафоис» асарида зикр этган.

Ислом оламида Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий каби «имом» даражасига эришган кўлаб буюк алломалар орасида Имом Абу Бакр Кафқол Шоший ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Замондошлари «Хазрат Имом» деб улуғлаган бу зотнинг тўлиқ исми – Абу Бакр Мухаммад ибн Али ибн Исмом Кафқол Шоший бўлиб, араб манбаларида унга алоҳида ҳурмат баҳо келтириш учун номига «катта», «улуғ» маъносини ифодалайдиган «Кабир» сўзини қўшиб ёздилади.

Аллома моҳир хунарманд бўлиб, кўлфозликда шурҳат қозонганлиги боис «Кафқол» яъни, кўлфчи, қозонган деган ном билан эъзозланган ва бу сўз унинг тахаллусига айланиб кетган. Имом Кафқол Шоший 904 йилда Шош (Тошкент)да хунарманд оиласида туғилиб, дастлабки билимини ўз юртида олган. У Мовароуннаҳрдаги мавжуд маърифат ўқуқлари – Самарқанд, Бухоро, Термиз каби шаҳарларни кезиб, бу ерларда ўзидан сал олдинроқ ўтган ва бебаҳо диний-илмий мерос қолдирган Имом Бухорий, Имом Термизийларнинг асарлари билан танишади.

XIV – XIX асрларда Шош воҳаси ижтимоий-маънавий ҳаётида шоирлар, табиблар, хатотлар ва тарихчи олимлар мумим ўрин тутди. XIV асрда Шошда яшаган «Малик уш-шуаро» («Шоирлар пешвоси») сифатида танилган ҳамда кўзга кўринган муаррирлардан бири Абу Сулаймон Банокатийдир. Унинг каламига мансуб «Равзат ул-алоб фит-таворих вал-ансоб» («Улуғ кишиларнинг тарихи ва насаблари ҳақида оқиллар боғи») асари «Тарихи Банокатий» сифатида машҳур бўлган. Шу даврда яшаб ижод этган шоирлардан бири Бадриддин Чочий бўлиб, у умрининг аксарият қисмини Ҳиндистонда ўтказди. У гўзал шеър ва қасидалар битиб Дехлидек азим шаҳарда «Фахр уз-замон» даражасига эришди. Яна шошлик шоир Алоий Шоший (XVI аср) шеърини мулкнинг султони Алишер Навоийнинг эътирофига сазовор бўлган. Буюк мутофаккир Алоий Шоший билан мулоқоти ва муаммо айтишганини «Маҷолис ул-нафоис» асарида зикр этган.

Имом Абу Бакр Кафқол Шошийнинг кўлаб асарлари мавжуд. У фақиҳлар ичиди биринчи бўлиб, «Жадал ал-хасан» («Диалектика гўзаллиги») баҳс-мунозарасига оид асар ёзган. Шунингдек, унинг «Китоб фи усул фикҳ» («Фикҳ усуллари китоби»), «Шарҳ ар-рисола» («Рисола шарҳи») асарлари бор. Кафқол Шошийнинг «Жавомий калим» («Хикматли иборалар тўплами»), «Адаб ал-Қозий» («Қозининг одоби»), «Далоил ан-нубуват» («Пайғамбарлик далиллик»), «Махосин шарият» («Шарият гўзалликлари») каби асарлари тўғрисида манбаларда қайд этилган. Афсуски, бу асарлардан бирортаси мамлакатимиз китоб хазиналарида мавжуд эмас. Фақатгина марҳум муфтий Зиёуддин ибн Эшон Бобоҳон ҳазратлари 1970 йили Суриянинг Дамашқ шаҳридаги «Зоҳирия» кутубхонасида сақланадиган «Жавомий ал-калим» асарининг қўлёзмасидан фото нусхасини олиб келган, холос. Кафқол Шошийнинг бу асари саҳих ҳадислардан сараланган.

XIV асрнинг иккинчи ярмида Европа ва Шарқ мамлакатлари ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида рўй берган ўзгаришлар Туркистонга ҳам ўзининг таъсирини кўрсата бошлади. Халққа зиё тарқатиш, унинг маданий тараққиётини кўтаришда маърифатарварлик ҳаракати катта рол ўйнади. Бу жараёнларда Тошкент маърифатарварлари ҳам ўзига хос ўрин эгаллади. Хусусан, Мунавварқор Абдурашидохон биринчилардан бўлиб, Тошкентда усולי ҳадид мактабини очган ва «Адиби аввал», «Адиби соний» каби дарсликлар яратган. Айна пайта у «Тараққий», «Хуришди», «Кенгаш» ва бошқа газета-журналларнинг ташкилотчи ижодкорларидан бўлган. Абдулла Авлоний маърифатарвар шоир, драматург, журналист, давлат ва жамоат ароби сифатида қатор хайрли ишларни амалга оширган. Жумладан, унинг каламига мансуб «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асари дарслик сифатида ўқитилган. Убайдулла Асадуллаҳжаев етук ҳуқуқшунос бўлиб, ўз даврида у Лев Толстой билан ҳуқуқий маданият масалалари бўйича хатлар ёзишган. Қисқача айтганда, ўлка ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида тошкентлик маърифатарварларнинг хиссаси катта бўлган. Бунга Тавалло, Сидқий Хондайлик, Хислат каби кўлаб шоир, олим ва эътилоллар фаолияти яққол мисол бўла олади.

Умуман олганда, Тошкент маънавий, маърифий ва илмий салоҳияти билан Ўзбекистон маданиятининг ажралмас қисми экани тарихий манбаларда ўзининг аксини тошган. Айниқса, ислом илмлари ва маданияти ривожига дунёнинг олимларининг серқирра фаолияти мумим аҳамият касб этади.

Умуман олганда, Тошкент маънавий, маърифий ва илмий салоҳияти билан Ўзбекистон маданиятининг ажралмас қисми экани тарихий манбаларда ўзининг аксини тошган. Айниқса, ислом илмлари ва маданияти ривожига дунёнинг олимларининг серқирра фаолияти мумим аҳамият касб этади.

Умуман олганда, Тошкент маънавий, маърифий ва илмий салоҳияти билан Ўзбекистон маданиятининг ажралмас қисми экани тарихий манбаларда ўзининг аксини тошган. Айниқса, ислом илмлари ва маданияти ривожига дунёнинг олимларининг серқирра фаолияти мумим аҳамият касб этади.

Умуман олганда, Тошкент маънавий, маърифий ва илмий салоҳияти билан Ўзбекистон маданиятининг ажралмас қисми экани тарихий манбаларда ўзининг аксини тошган. Айниқса, ислом илмлари ва маданияти ривожига дунёнинг олимларининг серқирра фаолияти мумим аҳамият касб этади.

Умуман олганда, Тошкент маънавий, маърифий ва илмий салоҳияти билан Ўзбекистон маданиятининг ажралмас қисми экани тарихий манбаларда ўзининг аксини тошган. Айниқса, ислом илмлари ва маданияти ривожига дунёнинг олимларининг серқирра фаолияти мумим аҳамият касб этади.

Умуман олганда, Тошкент маънавий, маърифий ва илмий салоҳияти билан Ўзбекистон маданиятининг ажралмас қисми экани тарихий манбаларда ўзининг аксини тошган. Айниқса, ислом илмлари ва маданияти ривожига дунёнинг олимларининг серқирра фаолияти мумим аҳамият касб этади.

Неъматулло МУХАМЕДОВ,
Тошкент Ислам университети доценти вафизасини бажарувчи, тарих фанлари номзоди

ОЗ-ОЗ ЎТГАНИБ ДОМО БЎЛУР...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ГУЛХАНИЙ ҲИКМАТЛАР

Мақтанган киз тўйда уялар.

Ўзини мақтағони, ўлумнинг қоровули.

Ойни этак бирла яшурса, бўлурму?

Чумчуқ семирса, ботмон бўлурму?

Ола кўзанак ола бўлса ҳам, арслон бўлмас, ола тўғонок олгур бўлса ҳам, аҳвол маълум.

Иштонсиз тиззаси йиртиққа кулар.

Чўбни хор тутсанг, кўзга тушар.

Эви билан сўзлаганинг қурбони бўл.

Яхши нафас, ярим мол.

Кўчкор бўлур кўзининг пешонаси дўнг бўлур, ога бўлур йигитнинг пешонаси кенг бўлур.

Отаси урмас кўнғизни, боласи урар тўнғизни.

Ҳалво деган бирла оғиз чучумас.

Аёз, ҳаддингни бил, барчани қўй, ўзингни бил.

Уйда чакса уни йўқ, том бошида қўш танур.

Сичкон сифмас инига, галбир боғлар думига.

Сабр билан баста эшиқдур кушод, Сабр билан топди эранлар мурод. Сабр сенинг дардинга дармон бўлур, Сабр билан хор гулистон бўлур...

Ўша замин боғ ила бўстон бўлур, Баста эшик очғусидир сабр бил, Сабр қилу сабр қилу сабр қил.

Сабр қилсанг, гўрадин ҳалво битар, Бесабрлар ўз оёғидин йитар.

Сабр қилиб, яхши иш қўлдин кетса, ўхшамас...

Ширин-ширин сўзласанг, илон инидан чиқар, аччиқ-аччиқ сўзласанг, мусулмон динидин чиқар.

Қалб қозони қайнамас, қайнаса ҳам, қуюлмас.

Ҳаромзоданинг қуйруғи бир тутам.

Яхшилик қил, сувга сол, сув билмаса, балиқ билур, балиқ билмаса, холиқ билур.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси жамоаси Чилонзор туманидаги 2-сонли давлат нотариал идораси нотариуси Сайёра Сатинович Мадалиевага акиси

Бахтиёр Сатинович МАДАЛИЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Сўлим оромгоҳларда

БОЛАЖОНЛАР МИРИҚИБ ҲОРДИҚ ЧИҚАРИШМОҚДА

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТ МАРКАЗИ ЮНУСОБОД ТУМАН БЎЛИМИ «ЁШЛАР ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ ЙЎЛИДА, ШУНИНГДЕК, ЁЗ МАВСУМИДА ОРОМГОҲЛАРДА ДАМ ОЛАЁТГАН БОЛАЛАРНИНГ БЎШ ВАҚТЛАРИНИ МАЗМУНЛИ ҲАМ УЛАРНИ СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА ТАРБИЯЛАШ МАҚСАДИДА АНГРЕН ШАҲРИДА ЖОЙЛАШГАН СТРЕЛЬЦОВ НОМЛИ ЁЗГИ БОЛАЛАР ДАМ ОЛИШ ОРОМГОҲИДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР ҲАМ ОТИШ...



Кискача, Стрельцов номидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳи хусусида тўхталадиган бўлсақ, тоғ ён бағридаги худманзара масканда жойлашган «Тошхажратрансхизмат» уюшмаси тасарруфидидаги оромгоҳнинг худуди 70 гектардан иборат бўлиб, мевали-манзарали дараклар бу ерга соя-салқинлик бағишлайди. Бу йил биринчи босқичда ушбу оромгоҳда 120 нафар оролбўйиллик болалар ҳордиқ чиқаришган бўлса, учинчи босқичда ҳам ушбу худуддан болажонлар оромгоҳга келишди. Ҳозирда эса 14 та отрядга бирлашган 677 нафар пойтахтлик болажонлар мазкур сўлим масканда дам олиб, чиниқиб, янги ўқув йилига тайёргарлик кўрмоқдалар.

Стрельцов оромгоҳининг ўзига хос ютуқли томонларидан яна бири шундаки, бу ерда маънавият ва спорт-соғломлаштириш йўналишларига доимо муҳим эътибор қаратиб келинади. Хусусан, маънавият ва маърифат хонаси оромгоҳ тарихидан ҳамда бугунги кундан ҳикоя қилувчи суратлар, турли экспонатларга бой бўлиб, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги, Тошкент—Ислон маданиятининг пойтахти, Хоразм Маъмур академияси тўғрисида, гивандликнинг олдини олиш мавзуларида мунтазам суҳбат ва маърузалар уюштирилади. Хар кун эрталаб оромгоҳ радиозели орқали «Тонг юлдузи» радио журнали бериб борилди.

—Оромгоҳда болаларнинг эгчил ва чакқон, чиниққан ҳолда ўсишларини таъминлаш мақсадида спорт-соғломлаштириш тадбирларини ташкил этишга муҳим эътибор қаратамиз, — дейди Стрельцов номидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳи раҳбари Евгений Пиманов. — Хусусан, кун кеча шахмат-шашка мусобақалари яқунланди. Ҳозирда футбол ва англ атлетика

бўйича спартакиада беллашувлари қизгин паллага кирган. «Кувнок стартлар» баҳсларини эса хар кун ўтказиб борамиз.

Эътиборга лойиқ томони шундаки, биз оромгоҳда бўлган кунимиз «шарқ бозори» тадбири ҳам ўтказилиб, унда болажонлар оромгоҳ ошпаз, қандолатчилари ёрдамида тайёрланган турли-туман пишширилари намойиш этишди.

Сўнг ташкил этилган «Ўзбекистон кунини» театрлаштирилган томошалари орқали эса республикамизнинг барча вилоятлари либосларини кийган болалар, жойлардаги урф-одатларни намойиш этишди, турли худудларнинг куй-қўшиқларини куйлашди.

Оромгоҳда ўтказилган маънавий-маданий тадбир давомида Маънавият тарғибот маркази Юнусобод туман бўлими раҳбари Нигора Абдурахимова болажонларга ўз дил сўзларини изҳор этиб, бўш вақтларида кўпроқ китоб, газета, журналлар ўқиб, маънавий онглари оширишга даъват этди. «Кувнок стартлар» мусобақаси уюштирилиб, голиб ва совриндорларга марказнинг туман бўлими томонидан ажратилган мақдор ёрликлари ва сёдалик совғалари топширилди.

Юнусобод туманидаги М. Турғунбоева номидаги маданият уйи жамоаси томонидан намойиш этилган концерт дастурини болажонлар мириқиб тинглашди.

(Ўз мухбиримиз) СУРАТЛАРДА: оромгоҳ ҳаётидан лавҳалар.

Козим Ўлмасов олган суратлар



Спорт янгиликлари

ЁШЛАР ҲАМ КЎРСАТДИ

ОЗАРБОЙЖОН ПОЙТАХТИ БОКУ ШАҲРИДА СУЗИШ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН МАМЛАКАТ ЁЗГИ ОЧИҚ ЧЕМПИОНАТИДА ЎЗБЕКИСТОНЛИК ЁШ СПОРТЧИЛАР ҲАМ МУВАФФАҚИЯТЛИ ИШТИРОК ЭТДИ.

Мусобақада юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган тўрт нафар спортчимиз медаллар шодасини кўлга киритди. Умидли сузувчи Сергей Жуков турли масофаларга хар хил усулда сузиш бўйича биттадан олтин, кумуш ва бронза медалга сазовор бўлди.

Кристина Водяничкая эса тўрт юз метрга эркин ва комплекс усулда сузиш бўйича барча рақибларини орда қолдириб, икки мартаба шохсуланинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Шунингдек, ҳамюртларимиздан Ксения Никитенко биттадан олтин ва кумуш, Максим Трухин ҳам битта кумуш медал билан тақдирланди.

Боҳир БЕК

ҲАМКОРЛИК САМАРА БЕРАДИ

ЎЗБЕКИСТОН ФУТБОЛ ФЕДЕРАЦИЯСИДА «МАМЛАКАТИМИЗ ФУТБОЛИ ТАРҒИБОТИДА ЖУРНАЛИСТЛАРНИНГ ЎРНИ» МАВЗУИДА УЮШТИРИЛГАН ДАВРА СУҲБАТИДА ФУТБОЛ МУТАХАССИСЛАРИ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТИШДИ.

Унда таъкидланишича, Мустақиллик йилларида шаклланган спорт журналистикасининг янги авлоди саъй-ҳаракатлари туфайли ўзбекистонлик футбол мухлислари курраи заминнинг турли бурчакларида уюштирилаётган спорт мусобақалари, хусусан футбол учрашувлари тўғрисидаги янгиликлардан тезда хабардор бўлишмоқда. Бу борада футбол тарғиботида кенг ўрин берилаётганини қувонарли ҳол албатта.

Дарвоқе, тадбирда ҳамюртларимизнинг севимли газеталаридан бирига айлиб улгурган «Ўзбекистон футбол» ҳамда футболга ихтисослашган бошқа нашрлар фаолиятини янада яхшилаш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, бошқа нашрларда ҳам футбол хабарларини кенг ёри-

тиш зарурлиги таъкидланди.

ЕВРОПА ЧЕМПИОНЛАРИ ТОШКЕНТГА КЕЛИШДИ

ЯҚИНДАГИНА «МХСК» СТАДИОНИГА ЙИГИЛГАН МИНГЛАБ МУХЛИСЛАР ИСПАНИЯНИНГ «БАРСЕЛОНА» КЛУБИ ФУТБОЛЧИСИ САМУЭЛ ЭТОННИНГ МАҲОРАТИДАН БАҲРАМАНД БЎЛИШГАН ЭДИ.

Кун кеча ўзбекистонлик футбол мухлислари шов-шувли воқеанинг гувоҳи бўлишди. Сабаби, Тошкентга Европа чемпиони Испания терма жамоасининг аъзолари Карлес Пуйоль, Андрес Иньеста ва Фрацески Фабрегаслар ташриф буорилди.

Дастрлаб Ўзбекистон футбол федерациясида мутахассислар мухлисларнинг Европа чемпионолари билан учрашуви уюштирилган бўлса, «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида Европа чемпионолари оммавий ахборот воситалари вакиллари билан мулоқотлар ҳамда сўзлашувлари уюштирилди. Сўнг «МХСК» стадионида футбол юлдузлари минглаб мухлисларга ўзларининг индивидуал маҳоратларини намойиш этишди.

«ҚУРУВЧИ» — ЯРИМ ФИНАЛДА

САМАРҚАНД ШАҲРИДА ФУТБОЛ БЎЙИЧА УЮШТИРИЛГАН ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ ЧОРАК ФИНАЛИНИНГ «ДИНАМО» — «ҚУРУВЧИ» ҲАМ ҚОСМИДАГИ БАҲСИ ТОШКЕНТЛИК МУХЛИСЛАРНИ ҚУВОНТИРИБ ЮБОРДИ.

Жорий йилда миллий чемпионат уйинларида ҳам, халқаро турнирларда ҳам ишончли ҳаракат қилаётган Миржалол Қосимов бош мураббийлигидаги «Қурувчи» жамоаси футболчилари самарқандликлар билан ўтказилган баҳсда устунлик қилишди. Чилилик легионер Хосе Велленуева томонидан мезонлар дарвозасига киритилган ягона гол тошкентликлар галабасини таъминлади.

(Ўз мухбиримиз)

«02» хабарлари

ТАЛОНЧИЛИК

Чилонзор туманида номаълум шахс 19-уй олдидан, 1986 йилда туғилган, ҳеч қаерда ишламайдиган, шу туманда яшовчи Славика нисбатан зўрлик ишлатиб унинг ёнидаги 350.000 сўмлик сарик металлдан ясалган занжир, 200.000 сўмлик «Нокия-7500» аппарати, 150.000 сўмлик «Сони эриксон К750» уяли телефон аппарати ва 100.000 сўм пулини тортиб олиб, қочиб кетган. Бироқ «бузоқнинг югургани сомонхонага» бўлиб, у узоққа кетолмади. Шу худудда хизмат бурчини олиб бораётган ички ишлар ходимлари томонидан ушбу жиноятни содир этган, 1986 йилда туғилган, ишламайдиган, шу туманда яшовчи Санжар Р. аниқланиб, далилий ашёлар билан ушланди.

Бектемир туманидаги «Қўйлик» шохбека-тида, 1981 йилда туғилган, ҳеч қаерда ишламайдиган, муқаддам судланган, «Феруза» да-ҳасида яшовчи Омон Р. зўрлик ишлатиб, 1976 йилда туғилган, ишламайдиган, сурхондарё-лик Анварнинг 120.000 сўмлик «Сигмател-Мо-байл» ва 65.000 сўмлик «Самсунг» уяли алоқа телефон аппаратини тортиб олиб, қочиб кет-ган. Қўрилган тезкор чора-тадбирлар натижа-сида ички ишлар жиноят-қидирув бошқарма-

ФИРИБГАРЛИК

Мирзо Улугбек туманида жиноят иши билан илгари ушланган, 1987 йилда туғилган, ишламайдиган, Н. Ҳожибоев кўчасида яшовчи Шухрат Т. билан тергов жараёнида аниқлан-дики, у 2008 йилнинг май ойида Яланғоч да-ҳасида, 1953 йилда туғилган, «Шахриобод» кор-хонаси пайвандчиси, шу манзилда яшовчи Ген-надий Э.нинг 75.000 сўмлик «Нокия-1600» уяли телефон аппаратига мусика ёздириб бе-раман деб ва унинг ўли, 1977 йилда туғил-ган, ишламайдиган, шу манзилда яшовчи Дмит-рий Э. нинг 160.000 сўмлик «Моторола-Л-6» уяли телефон аппаратини сотиб бераман деб, алдаб олиб, қайтариб бермаган.

Уша шахс билан яна тергов жараёнида аниқландики, 2008 йилнинг май ойида, Ҳ. Абдуллаев кўчаси, 61-уй олдидан, 1987 йилда туғилган, шу манзилда жойлашган Пайнет опе-ратори, Чилонзор туманида яшовчи Гулмира-нинг 415.000 сўмлик «Нокия-6500» уяли те-лефон аппаратини гаплашиб олиш баҳонаси-

да сўраб олиб қайтариб бермаган. Яна уша шахс билан тергов жараёнида маълум бўлдики, 2008 йилнинг июнь ойида, Раҳматуллин кўчасида жойлашган «Петрол оил газ» дўконидан, 1988 йилда туғилган, дўкон сотувчиси, Раҳматуллин кўчасида яшовчи Жа-ҳонгирнинг 275.000 сўмлик «Нокия-6300» уяли телефон аппаратини гаплашиб олиш ба-ҳонасида сўраб олиб қайтариб бермаган.

Ушбу ҳолат бўйича Ўз.Р.Ж.К.нинг 2-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб тергов иш-лари олиб борилмоқда. ... Шайхонтохур туманида 1985 йилда туғил-ган, ишламайдиган, Қашқадарё вилоятида яшовчи Фарид М. таниши, ҳамқишлоғи, 1974 йилда туғилган, ишламайдиган Мухлиса С. билан жиноий тил бириктириб 1973 йилда туғилган, ишламайдиган, Боғ кўчасида яш-овчи Нодира М. ни «Фол очиб бераман» деб алдаб, 5.225.000 сўмлик тилла тақинчоқла-ри, 500.000 сўмлик 3 дона уяли алоқа теле-фонлари, 1 дона 25.000 сўмлик сумкаси ва 250.000 сўм пулини олиб, жами 5.975.000 сўмлик моддий зарар етказиб қочиб кети-шган.

Ушбу ҳолат бўйича Ўз.Р.Ж.К.нинг 168-мод-даси 2-қисми «а,в» банди билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борил-моқда.

Бахтиёр ҲОШИМОВ, Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот мар-кази катта инспектори, майор

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан та-шқари хар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун теле-фон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзили-миз: Матбуотчи-лар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ. Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ. Буюртма Г-606

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3189 нускада босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимларига еки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва сақлаланди. «Шарқ» нарийб-матбоа акциядорлик компанияси босмохонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 3 4 5 6